


Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак қабрлари эшигининг калити кимда сақланади?



12:00 / 05.12.2018 13962

2013 йилда муслмон дунёсида барчанинг диққат-эътиборини ўзига тортган ажойиб бир хабар тарқалди. Ўша йили дунёга таниқли машҳур сураткаш Адел Қурайший ўзининг “Қўриқчилар” номли фотолойиҳасини ташкил этди. Унда Мадина шаҳри Масжиди Набавийдаги Расулulloҳ соллаллоҳи алайҳи васаллам дафн этилган қабр эшиги калитини сақлайдиган саккиз кишининг фотосурати оммага намойиш этилди.



Адел бу кўргазмани Мадина шаҳри ҳокимининг топшириғига кўра ташкил қилган эди. Маълум бўлишича, шу кунгача ушбу бахтли саккизта кўриқчидан бештаси ҳаёт экан.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дафн этилган жойдаги эшикнинг калитини сақлаш одати XII асрда бошланган экан. Хабарда айтилишича, калитни муҳофаза қилувчилар қадим асрлардан буён арабистондаги масжидларда дарвозабон ва кўриқчилик қилиш билан ном чиқарган ҳабашистонликларнинг авлодларидир.

Аделни ҳайратга солган ҳолат шундан иборат эдики, улар билан бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида ён-атрофларида мутлақо енгиллик ва хотиржамлик ҳукмронлик қилишини ҳис этган.

“Бу ёрқин шахслар ажойиб энергия соҳиби эдилар. Улардан чиққан нурли ёруғлик хонани ёритиб турарди”, деб хотирлайди Адел Қурайший.

















Islam.ru материаллари асосида тайёрланди